

## Молиявий ҳуқуқларим ва мажбуриятларим

*Мирза давлат ташкилотида бир неча йилдан буён ишлайди. Қўйида унинг кундалик ҳаётида бўлган бир куни келтирилган. Кейсни диққат билан ўқиб барча саволларга жавоб беринг.*

Мирза эрталаб ишга ўз вақтида етиб бориш мақсадида банк картасидан тўлаш шарти билан такси буюртма қилди. Манзилга етиб келганда ҳаёдовчи унга нақд пулда тўловни амалга оширишни сўради. Мирза бироз жаҳли чикдию, лекин тўловни нақд пулда амалга ошириб тушди.

Куннинг ярмига келиб, Мирза банк кредитини ишхонаси яқинидаги бошқа бир банк кассасидан сўндиришга қарор қилди. Банк кассасида тўловни амалга ошираётганда кассир ундан банк картаси пин-кодини сўради. Мирза пин-кодини ўзи термоқчилигини айтганда, кассир бунинг имкони йўқлигини айтиб такроран ундан пин-кодини айтишини сўради. Мирза бунга унчалик ҳам аҳамият бермади ва пин-кодини кассирга айтди. Банк кассири чек ва банк картасини узатганда, Мирза тўлов суммасидан 0,5% миқдорида банк комиссияси ечилганини кўрди. Банк кассиридан нега бу ҳақида олдиндан огоҳлантирмаганини сўраганда, кассир майда ёзув билан ёзилган банк тарифи жойлаштирилган жойга ишора қилди. Мирза ҳеч нарса демасдан, банкдан чиқиб кетди.

Мирза йўл-йўлакай тушлик учун егуликни нақд пулига сотиб олди, аммо тўлов чекини талаб қилмади. Олган егулигининг ичидан ноозик-овқат маҳсулот чикди. Унинг ортиқча вақти бўлмаганлиги туфайли ушбу тамаддихонага қайтиб бормади.

У ишдан қайтишда уйга киришдан олдин маҳалласидаги дўкондан харид қилишга одатланган. У ҳар доим нақд пулда харидларни амалга оширар эди. Бу гал нақд пули етарли бўлмаганлиги туфайли тўловни амалга ошириш учун дўконга банк картасини узатганда сотувчи унга терминал ишламаётганини айтди. Мирза барча пуллари банк картасида эканлигини айтганида, сотувчи унга қўшни дўконнинг терминали орқали пулларни ечиб олишни таклиф қилди. Мирза бунга қаршилик кўрсатмасдан банк картаси пин-кодини айтиб уни сотувчига бериб юборди.

### Саволлар:

1. Мирзанинг қандай ҳуқуқлари бузилди? Бундай ҳолатларда Мирза қандай йўл тутиши лозим эди?
2. Мирза ўзининг қайси мажбуриятларига амал қилмади? Унинг оқибатлари мамлакат иқтисодиётига таъсир этиши мумкинми?

*Жавобларингизни асосланг.*